



## AKTUAR MOLIYA VA BUXGALTERIYA HISOBI ILMIY JURNALI

Vol. 4 Issue 07 | pp. 25-31 | ISSN: 2181-1865

Available online <https://finance.tsue.uz/index.php/afa>

### ИҚТИСОДИЁТНИ ИНВЕСТИЦИОН ВА ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ НАЗАРИЙ ЁНДАШУВЛАР



**Қурбонов Салимжон Нўмонжонович,**  
Наманган муҳандислик – қурилиш  
институтини мустақил тадқиқотчиси

**Аннотация:** ушбу мақолада ҳудудларни ривожлантиришнинг инвестицион ва инновацион жараёнлари, иқтисодий инфратузилмани ривожлантириш ва шакллантириш мақсадида макроиқтисодий субъектларнинг асосий манфаатлари ва фаолиятини ўрганиш, корхоналар-нинг инновацион фаолияти ва уни самарали молиялаштириш учун қулай ташқи муҳит ташкил этиш ва мувофиқлаштириш каби масалалар ўрин олган.

**Калит сўзлар:** инвестиция, инвестицион жозибadorлик, ҳудуд ,инновация, тадбиркорлик субъекти, маҳсулот таннархи, рентабел, ишбилармонлик муҳити, макроиқтисод, мултиплика-тив, рақобатбардош, ресурс, яли ҳудудий маҳсулот, квазинновацион, прогноз, давлат-хусусий шериклик, стратегия, қимматли қозғозлар бозори.

### ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ПОДХОДЫ К ИНВЕСТИЦИОННОМУ И ИННОВАЦИОННОМУ РАЗВИТИЮ ЭКОНОМИКИ

**Қурбонов Салимжон Нумонжонович,**  
Наманганский инженерно-строительный  
институт независимый исследователь

**Аннотация:** в данной статье рассмотрены такие вопросы, как инвестиционные и инновационные процессы регионального развития, исследование основных интересов и деятельности макроэкономических субъектов с целью развития и формирования экономической инфраструктуры, организация и координация благоприятной внешней среды для инновационной деятельности субъектов экономики, предприятия и его эффективное финансирование.

**Ключевые слова:** инвестиции, инвестиционная привлекательность, регион, инновация, хозяйствующий субъект, себестоимость продукции, рентабельность, бизнес-среда, макро-экономика, мультипликативный, конкурентоспособный, ресурс, валовой региональный продукт, квазиинновация, прогноз, государственно-частное партнерство, стратегия, рынок ценных бумаг.

## THEORETICAL APPROACHES TO INVESTMENT AND INNOVATIVE ECONOMIC DEVELOPMENT

**Kurbonov Salimjon Numonzhonovich,**  
Namangan Engineering and Construction  
independent researcher institute

**Abstract:** *this article discusses such issues as investment and innovation processes of regional development, research of the main interests and activities of macroeconomic entities with the aim of developing and forming economic infrastructure, organization and coordination of a favorable external environment for the innovative activities of economic entities, enterprises and its effective financing.*

**Key words:** *investments, investment attractiveness, region, innovation, economic entity, production cost, profitability, business environment, macroeconomics, multiplicative, competitive, resource, gross regional product, quasi-innovation, forecast, public-private partnership, strategy, securities market.*

Худуд иқтисодиётини ривожлантиришда инвестициялар ва инновациялар ўртасидаги узвий боғлиқлик бўлиб, улар бир-бирини мунтазам равишда тўлдириб боради. Инновацион лойиҳани амалга ошириш мақсадида тадбиркорлик субъектларининг капитал қурилиши ва инвестиция фаолиятининг бошқа шакллари маҳаллий тадбиркорликни ҳамда ижтимоий ва логистика инфратузилмасини ривожлантириш учун туртки бўлади. Бунинг натижасида эса, янги иш ўринлари яратилиб, худуднинг яшаш учун жозибадорлиги янада ортиб боради.

Шундай бўлсада, ҳозирги кунда мамлакатимизда инвестиция ва инновацион лойиҳаларни амалга ошириш учун худудларнинг иқтисодий ривожланишидаги сезиларли номутаносибликлар тўсқинлик қилмоқда. Бу, аввало, худудларни ривожлантиришнинг инвестицион ва инновацион жараёнларини ўрганиш доирасида уларнинг саноат салоҳияти паст частотали маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирилганлиги билан изоҳланади.

Бундай муносабатларнинг сифатини тавсифлаган иқтисодчи О.Вабина инвестициялар ва инновациялар комбинациясининг мультипликатив таъсирга ишора қилиб, хўжалик юритувчи субъект миқёсида маҳсулот таннархини пасайтиришга, ишлаб чиқариш ҳажми ва рентабеллиги ҳамда меҳнат унумдорлигини оширишга, иш ўринлари сонининг кўпайишига, ходимларнинг меҳнат шароитларини яхшилашга олиб келади, дея таъкидлаган. Унинг фикрича, давлатнинг инвестиция ва инновацион сиёсати бизнесни давлат иқтисодиётига сармоя киритишга ундайдиган қулай ишбилармонлик муҳитини – ҳуқуқий ва иқтисодий шароитларни яратишдан иборат [1]. Бу эса, ўз навбатида, корхоналарнинг инвестиция-хўжалик фаолияти билан худудларни ривожлантириш ўртасидаги боғлиқликни билвосита тавсифлайди. Инвестицияларни фаол жалб этиш ва улардан оқилона фойдаланиш – давлатнинг иқтисодий ривож-ланишини янги босқичга кўтаришнинг энг қисқа йўли бўлиб, бу корхона миқёсида инвестициялар ва инновациялар ўртасидаги сифатли боғлиқликни тавсифлайди,

лекин инвестиция ва инновацион фаолиятнинг ҳудудларни ривожлантиришга таъсирини юзаки тавсифлайди.

Ишлаб чиқариш самарадорлиги ва маҳсулот рақобатбардошлиги кўрсаткичларини оширишда ифодаланган мултипликатив иқтисодий самара бундай лойиҳаларнинг ўзига хос хусусиятини ифодалайди. Инвестицион ва инновацион ривожланишнинг моҳияти бўйича И.Гришченко, Н.Билецка ҳамда Л.Кливиденко буни инқирозларни бартараф этиш учун зарур бўлган тизимли ўзгаришларнинг энг самарали усули деб аташган [2]. Инвестицион ва инновацион лойиҳалар ҳамда ҳудудларни ривожлантириш харажатлари ўртасидаги боғлиқлик шундан далолат берадики, фан-техника тараққиёти ютуқларини фаоллаштириш ва ривожлантиришни рағбатлантириш иқтисодиётнинг беқарорлашуви оқибатларини тезроқ ва пастроқ даражада енгиш имконини беради.

Тизимли ўзгаришлар рўй бераётган ҳозирги шароитда инвестиция ва инновацион ривожланиш элементлари ишлаб чиқариш ҳамда техник салоҳиятни оширишга ва ташкилий-иқтисодий муносабатларни такомиллаштиришга ишлаб чиқариш ва бошқарув тизимларини қайта қуришга қаратилган инновациялардир.

Илмий тадқиқотларнинг бевосита ҳудудларни ривожлантиришни бошқариш муаммоларига бағишланган қисмида инвестиция ва инновацион ривожланиш мақсади ҳудудларнинг инвестицион жозибадорлигини ҳамда тадбиркорлик субъектларининг инновацион фаоллигини оширишдан иборат. Инвестицион ва инновацион ривожланишнинг асосий истиқболлари барқарор истиқболли талаб билан таъминланган товар бозорларида рақобатбардош маҳсулотларнинг паст улуши, маҳаллий маҳсулот ва хизматлар ишлаб чиқаришга инвестиция ресурсларининг паст самарадорлиги, юқори инвестиция хатарлари каби салбий тенденцияларни бартараф этишда кўрилади.

Маҳаллий иқтисодиётнинг инновацион ривожланишининг назарий ва ташкилий жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда, Ю.Журавел уни молиявий қўллаб-қувватлашга эътибор қаратган. Унинг фикрича, миллий иқтисодиётни инновацион ривожлантириш учун инвестиция ресурслари турли молиявий ўз-ўзини молиялаштириш, ўз капитали, бюджет, қарз, венчур молиялаштириш, лизинг, хорижий кредитлар ва инвестициялар усуллардан фойдаланган ҳолда тўпланиши керак. Инновацион ривожланиш жамиятда прогрессив ўзгаришлар амалга оширилганда бошланишини, уларнинг асосийлари иқтисодиёт таркибидаги ўзгаришлар, самарали институционал тузилмани яратиш, оптимал институционал муҳитни ривожлантиришдан иборатлигини таъкидлаб ўтган [3].

Юқоридагиларни сарҳисоб қилиш инвестиция-инновацион қўшилган қийматнинг моҳиятини ва макроиқтисодий субъектларнинг асосий манфаатлари ҳамда фаолият йўналишларини ўрганиш, уй хўжаликлари, хўжалик субъектлари, иқтисодий инфратузилмани ривожлантириш ва корхоналарнинг инновацион фаолияти учун қулай ташқи муҳитни шакллантириш ҳамда уни самарали молиялаштириш мақсадида ташкил этиш ва ўзаро мувофиқлаштириш жараёнлари сифатида ресурс потенциалини пасайтиришга имкон беради.

Ҳудудларнинг иқтисодий салоҳиятини ривожлантиришнинг бошқа усуллари қаторида инвестиция ва инновацион жараёнлар алоҳида ўрин тутади. Уларнинг

ўзига хослиги шундаки, бундай ривожланишнинг кутилаётган натижаси ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва ресурсларни бошқаришда инновацион технологияларни қўллаш учун бутун давлатнинг саноат мажмуасини қайта форматлашдан иборатдир. Сўнгги йилларда мамлакатимизда олиб борилаётган марказсизлаштириш ислоҳоти натижасида бу жараёнлар алоҳида ҳудудларнинг ҳал қилувчи роли сифатида ҳудудий ҳамжамиятларнинг ваколатлари ва молиявий имкониятларининг кенгайтиши билан боғлиқ ҳолда белгиланмоқда.

Шу нуқтаи назардан, инвестиция ва инновацион салоҳиятни минтақавий инвестиция ҳамда инновацион жараёнларни, хусусан, инновациялар, инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун ҳудуднинг максимал имкониятлари деб ҳисоблаш мумкин [4]. Инвестицион ва инновацион ривожланишнинг ҳудудий ривожланишнинг бошқа концепцияларидан фарқи инновацион маҳсулотни яратишга қаратилганлиги билан боғлиқ. Шу муносабат билан, инновацион жараёнларни квазинновацион жараёнлардан фарқлаш мезонлари муҳим аҳамиятга эга.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, И.Моргачев уларни таққослаш асосида инновацион ва инвестиция жараёнларининг йўқлиги ва амалга ошириш шартларининг ялпи ҳудудий маҳсулоти ( $YXМ^{инн} > YXМ$ ), ишлаб чиқариш омиллариининг минтақавий маржинал маҳсулоти ( $МММ^{инн} > МММ$ ) ҳамда минтақавий ишлаб чиқариш омиллариининг маҳсулдорлиги ( $МОМ_F^i < МОМ_F$ ) [5] билан ажратишни таклиф қилган.

Инвестицион ва инновацион жараёнлар ҳамда квазинновацион жараёнлар ўртасидаги фарқни тушуниш учун янгилик ва ўзгаришлар муҳим аҳамиятга эга. Янгилик кўплаб товарлар, технологиялар, воситалар, ташкил этиш шакллари, бошқарув усуллари, инновацион ечимларга тегишли бўлиши мумкин. Худди шундай, ўзгаришлар техник, иқтисодий, ташкилий, ижтимоий бўлиши мумкин. Бироқ, техник ва ижтимоий ўзгаришлар тўғридан-тўғри ёки билвосита минтақа иқтисодиётига таъсир қилади ва охир-оқибат иқтисодий ўзгаришларга олиб келади [6].

Инвестицион ва инновацион ривожланишнинг шарти қулай институционал муҳитни яратишдан иборат бўлиб, бу Ўзбекистон Республикасининг «Инновацион фаолият тўғрисида»ги [7] Қонуни билан тартибга солинади. Қонун билан инновацион фаолият соҳасидаги муносабатлар тартибга солиниб, инновацион фаолият соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари ҳисобланган инновацион ривожлантиришнинг ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинишини таъминлаш, инновацион фаолият соҳасидаги устувор йўналишларни белгилаш, шу жумладан, технологик тараққиётни прогнозлаштириш асосида белгилаш, инновацион фаолиятни амалга ошириш учун зарур шарт-шароитлар ва инфратузилмани яратиш, инновацион фаолият субъектларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, инновацион фаолият соҳасидаги республика, тармоқ ва ҳудудий давлат дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш, инновацион фаолиятга инвестицияларни жалб этишга кўмаклашиш, инновацион фаолият соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш, инновацион

фаолият соҳасида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этади.

Худудларни инвестицион ва инновацион ривожлантириш бўйича муҳим дастурий ҳужжат – инновацион иқтисодий барпо этиш муаммосини ҳал этишни белгилаб берувчи 2030 йилгача бўлган даврда инновацион фаолият соҳасини ривожлантириш стратегиясидир. Стратегия билан Ўзбекистон Глобал инновацион индексида Топ-50 талик мамлакатлар рўйхатига киришини таъминлаш, ҳар бир миллион аҳолига тўғри келадиган тадқиқотчилар сонини икки минг нафарга етказиш, ички ва ташқи бозорларда тижоратлаштириш натижасида яратилган янги инновацион ишланмалар сонини икки баробарга ошириш, электротехника, машинасозлик, тўқимачилик, кимё, қурилиш материаллари, металлни қайта ишлаш, геология, энергетика, био-технология, озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш, транспорт ва логистика каби йўналишларда «Изланиш ва ривожлантириш» (R&D) марказларини ташкил этиш каби [8] йўналишлар қамраб олинган.

Стратегияда инвестицион жозибдорликни янада ошириш ва қимматли қоғозлар бозорини жадал ривожлантириш мақсадида бир қатор устувор вазифалар ҳам ўз аксини топган. Хусусан, мамлакатимизда 250 миллиард долларлик инвестицияларни ўзлаштириш, жумладан, 110 миллиард доллар хорижий инвестициялар ва 30 миллиард доллар давлат-хусусий шериклик доирасидаги инвестицияларни жалб қилиш, эркин муомаладаги қимматли қоғозлар савдолари ҳажмини 8 миллиард долларга етказиш, умумий қиймати 150 миллиард долларлик 500 дан зиёд стратегик аҳамиятга эга бўлган технологик ва инфратузилмавий лойиҳаларни амалга ошириш, худудларнинг инвестицион рейтингини юритиш, ҳар бир худуднинг имкониятларидан келиб чиқиб, унинг инвесторлар учун жозибдорлигини янада ошириш, пай ва венчур жамғармалар фаолиятини йўлга қўйиш орқали портфель инвестициялар ҳажмини 2 баробарга ошириш ҳамда чет эллик номинал сақловчилар ҳамда кастодиан банкларнинг маҳаллий капитал бозорида қатнашиши учун инфратузилмани яратиш масалалари шулар қаторидан ўрин олган.

Худудларни инвестицион ва инновацион ривожлантиришнинг асосий таркибий қисми маҳаллий инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва ташқи бозорларга олиб чиқиш ҳисобланади. Экспорт ҳажмини 2 баробар ошириш ва 45 миллиард долларга етказиш, экспортчи корхоналар сонини 6,5 мингтадан 15 мингтага етказиш, унинг таркибида тайёр ва ярим тайёр маҳсулотлар ҳажмини 3,3 баробар кўпайтириш, Европа давлатларига GSP+ ва бошқа тизимлар доирасида тайёр ва технологик маҳсулотлар экспортини кенгайтириш, халқаро стандартлар жорий қилинган корхоналар сонини 10 баробарга ошириш ва улар сонини 5 мингтага етказиш, дунёнинг 50 та нуфузли брендлари билан махсус иқтисодий зоналарни ташкил қилиш, «Янги Ўзбекистон – рақобатбардош маҳсулотлар юрти» ғояси асосида миллий брендларни хорижий бозорларга олиб чиқадиган экспортчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш орқали миллий иқтисодийнинг экспорт салоҳиятини кучайтириш ва унинг таркибида қўшилган қиймати юқори бўлган маҳсулотлар улушини кескин ошириш устувор мақсадлардан бири сифатида белгиланган.

Ушбу меъёрий хужжатлар ҳозирги институционал шароитда ривожланаётган инвестиция ва инновацион ривожланиш моделининг умумий хусусиятларини ташкил қилади. Улар инвестиция ва инновацион ривожланишни рағбатлантириш бўйича давлат сиёсатининг йўналишларини инсон, тадбиркорлик ва корхоналарнинг ташкилий салоҳиятларини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар билан тўлдиради.

Худудни ривожлантиришнинг инвестиция ва инновацион жараёнининг босқичлари ҳақида фақат давлат ёки маҳаллий ривожланиш стратегияларини амалга ошириш босқичлари билан боғлиқ ҳолда инвестицияларни рағбатлантириш, инновациялар, савдо, таълим ва таълим лойиҳаларини амалга ошириш, халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш, ташқи иқтисодий операцияларни таъминлаш имконини беради.

Худудларни ривожлантиришнинг инвестиция ва инновацион жараёнларини рағбатлантириш субъектлар томонидан ҳам муайян чора-тадбирларни амалга оширишни назарда тутди. Узоқни кўра билиш тадқиқотлари ва технологик жараёнларни башоратли таҳлил қилиш фанлараро илмий-техникавий ишларнинг давлат ва хусусий илмий-тадқиқот марказларини ташкил этиш, барча даражадаги инновацион тузилмаларни жорий қилиш тармоғини инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ўтказиш занжирларини яратиш, илмий-техникавий соҳада халқаро ҳамкорликни кенгайтириш, маҳаллий инновацион бизнеснинг асосий сегментларини халқаро миқёсда оммалаштириш, патентлаш, муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш, илмий ишланмаларга сармоя киритиш ва инновацион фаолият соҳасидаги миллий қонунчиликни мувофиқлаштириш, солиқ имтиёзлари, ахборот технологияларини ривожлантириш, технологиялар трансфери ва интел-лектуал мулк объектларини баҳолаш тизимини такомиллаштириш, илмий-техник маълумотларнинг автоматлаштирилган маълумотлар базаларидан кенг фойдаланишни таъминлаш ва тегишли ахборот тузилмаларини яратиш шулар жумласидандир.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ҳудудий ривожланишнинг инвестицион-инновацион жараёнининг моҳияти етарлича ўрганилмаган бўлиб, кўпгина замонавий тадқиқотларда эътибор корхоналарнинг инновацион фаолиятини рағбатлантириш ва уни молиялаштириш масалаларига, алоҳида муаллифлар унинг минтақа иқтисодиётига таъсирини тавсифлашга, яна бошқалар эса, ҳудудий ривожланишнинг инвестицион ва инновацион жараёнларини тизимли равишда кўриб чиқишга ҳаракат қилганлар.

Худудни ривожлантиришнинг инвестицион ва инновацион жараёнларини иқтисодий инфратузилмани ривожлантириш ва шакллантириш мақсадида макроиқтисодий субъектларнинг асосий манфаатлари ва фаолиятини ўрганиш, корхоналарнинг инновацион фаолияти ва уни самарали молиялаштириш учун қулай ташқи муҳит ташкил этиш ва мувофиқлаштириш жараёни сифатида кўриш мақсадга мувофиқдир.

Ўтказилган тадқиқотлар инвестиция ва худудларни инновацион ривожлантириш жараёнларини рағбатлантиришнинг моҳияти ва ёндашувларини талқин қилишда аниқ ёндашувлар йўқлигини кўрсатмоқда. Шу сабабли ҳам инновацион

ривожланиш векторларини белгилаш ва шакллантириш жараёнида ҳудудларнинг инновацион ривожланишини рағбатлантиришнинг бозор механизмларини фаоллаштириш ва ҳудудларда қулай инвестиция ва инновацион муҳитни яратиш долзарб масалалардан бири сифатида намоён бўлади. Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда, кейинги тадқиқотлар ҳудудларни инновацион ва инновацион ривожлантириш бўйича стратегик йўналишларни ишлаб чиқиш ва инновацион ривожланиш стратегиясини амалга оширишнинг самарали механизминини шакллантиришга йўналтирилиши мақсадга мувофиқдир.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. О.М.Вабина Анализ инвестиционных возможностей предпринимательства с позиций развития инновационной деятельности в производстве энергии из альтернативных источников. Эффективная экономика. 2020. №4. URL: [http://nbuv.gov.ua/UJRN/efek\\_2020\\_4\\_82](http://nbuv.gov.ua/UJRN/efek_2020_4_82).
2. И.Грищенко, Н.Белецкая, Л.Кливиденко Инвестиционно-инновационное развитие предприятий в условиях системных преобразований. Вестник Львовской коммерческой академии. Серия экономична. 2016. № 50. С. 157-160.
3. Ю.Журавель Формирование инвестиционных ресурсов для инновационного развития экономики. Экономический анализ. 2017. № 1. Т. 27. С. 35-42.
4. И.В.Моргачев Совершенствование инфраструктурного обеспечения региональных инвестиционно-инновационных процессов на основе их оценивания. Диссертация доктора экономических наук 08.00.05. Северодонецк, 2020. 728 с.
5. И.В.Моргачев Совершенствование инфраструктурного обеспечения региональных инвестиционно-инновационных процессов основе их оценивания. Диссертация доктора экономических наук 08.00.05. Северодонецк, 2020. 728 с.
6. Н.І.Tsyliuryk [Innovative activities in the conditions of economic competition]. Appearance and financial APK (electronic journal). Available at: (accessed 29 April 2021) <http://magazine.faaf.org.ua/innovaciyna-diyalnist-v-umovah-ekonomichnoi-konkurencii.html>
7. Ўзбекистон Республикасининг «Инновацион фаолият тўғрисида»ги ЎРҚ – 630-сон Қонуни, 2020 йил 24 июль.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон – 2030» стратегияси тўғрисида»ги ПФ – 158-сонли Фармони. 11.09.2023 й.

Copyright: © 2024 by the authors. This work is licensed under a Creative Commons Attribution-4.0 International License (CC - BY 4.0)

